ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.T.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

НАРКАБУЛОВА НАРГИЗА ЧОРШАММИЕВНА

ЯНГИ ТЕХНИК УЗУМ НАВ-НАМУНАЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА БИРЛАМЧИ ШАРОБЧИЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент–2018

УДК:663.2

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical sciences

Наркабулова Наргиза Чоршаммиевна
Янги техник узум нав-намуналарини танлаш ва бирламчи шаробчилик технологиясини такомиллаштириш..... 3

Наркабулова Наргиза Чоршаммиевна
Подбор новых технических сортообразцов винограда и совершенствование технологии первичного виноделия..... 23

Narkabulova Nargiza Chorshammiyevna
Selection new technical varieties of grapes and improvement of the technology of primary winemaking..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….....……..…… 44

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.T.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

НАРКАБУЛОВА НАРГИЗА ЧОРШАММИЕВНА

ЯНГИ ТЕХНИК УЗУМ НАВ-НАМУНАЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА БИРЛАМЧИ ШАРОБЧИЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/T344 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Раджабов Абдурахмон,** техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Қурбонов Жамшед Маджидович** техника фанлари доктори, профессор
	Мирзарахметова Дилбар Тохтамуратовна, техника фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**«Ўзшаробсаноат» АЖ**

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил __ _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21; факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21).

Диссертация автореферати 2018 йил ____ _____ куни тарқатилди.
(2018 йил _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

С.М.Туробжонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.С.Ибодуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

Қ.О.Додаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида шароб маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва айниқса уларнинг экспортбоп ассортиментини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда ялпи шароб ишлаб чиқариш бўйича етакчилик қилаётган Италия, Франция, Испания ва АҚШ каби давлатларда қизил шароблар экспорт қилинаётган жами шароб маҳсулотларининг салмоқли қисмини ташкил этмоқда.

Бугунги кунда шароб ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш бўйича етакчилик қилаётган хорижий мамлакатларда экспортбоп, юқори сифатли шароб олиш имконини берувчи техник навларни олиш, улар таркибидаги биологик фаол моддалар миқдорини чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда биологик фаол моддаларга бой, экологик тоза шароб намуналари олиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида шароб ишлаб чиқариш учун асосий хомашё сифатида қўллаш мумкин бўлган, шу жойнинг тупроқ иқлимига мос, юқори сифатли шароб берувчи Каберне Савиньон, Мерло, Карменер, Санджовозе, Мурведер, Изабелла, Пино Нуар ва бошқа биологик фаол модда – фенол бирикмаларга бой кўплаб узум навлари кенг миқёсда татбиқ этилган. Ушбу давлатларда техник навлар мажмуини янада бойитиш, филлоксера зараркунандасига чидамли шаклларни чиқариш, улар асосида янги шароб ишлаб чиқариш технологик йўриқномаларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Республикамизда сўнгги йилларда шаробчиликни ривожлантириш, экспортбоп шароб маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини тубдан оширишга ва ушбу соҳани илмий асосда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.2 ва 3.3-бандларида юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш алоҳида белгилаб берилган[1]. Жумладан, шаробчилик корхоналарида технологик жараёнларни такомиллаштириш бўйича чуқур тадқиқотлар олиб борилаётганлиги, шаробчилик хомашё базасини маҳаллий навлар асосида кенгайтириш ва уни қайта ишлаш тизимларини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилаётганлиги ушбу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим асоси ҳисобланади. Бироқ, юқори сифатли шароб ишлаб чиқариш имконини берувчи хомашё хорижий навлар асосида етиштирилмоқда. Мамлакатимиздаги мавжуд шароббоп узум навлари коллекциясини чуқур ўрганиш асосида экспортбоп юқори сифатли шароб тайёрлаш имконини берадиган намуналарни танлаш ва улар асосида бирламчи шаробчиликни ва

[1]www.lex.uz/3107042 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида». Президент Фармони. – Тошкент, 2017 йил 7 феврал.

шаробчилик саноатини самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги ПҚ-3573-сон «Виночилик соҳасини ва алкоголли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2015 йил 5 майдаги ПФ-2343-сон «2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий сохаларида энергиясиғимдорликни камайтириш ва энергиятежамкор технологияларни жорий этиш чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги қарор ва фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидаги вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» ҳамда VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Узумнинг техник навлари ғужумининг биокимёвий таркибини чуқур ўрганиш асосида қимматли биологик фаол моддаларга бой янги шароб олиш технологияларини такомиллаштириш ҳамда шаробчиликдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш масалалари бўйича P. Ribero-Hayon, D.C. Lafon, J. Samoticha, A. Wojdyio, T. Golis, H.Bekker, Л.Н.Узун, В.Т.Христюк, А.В.Регина, С.Х.Абдуразакова, Д.Т. Мирзарахметова, У.К. Абдуллаев, Ш. Саломов, М. Мирзаев, Х.Абдуллаев, В.Иванченко, А.Арзуманов, А. Раджабов, Н. Эшпулатов ва бошқалар илмий ишлар олиб борган.

Улар томонидан шаробчилик учун мақбул хомашё танлаш, биологик объектга электрофизик ишлов бериш, бижғитиш ва ферментация жараёнларини бошқариш тамойиллари яратилган. Хусусан фақатгина лаборатория текширувидан ўтказилувчи оддий хўраки шароблар, лаборатория ва дегустация назоратидан ўтказилувчи шароблар, энг юқори стандарт талаблари асосида ишлаб чиқарилувчи олий тоифали шароблар, энг қиммат ва супер элита шароблар тайёрлаш ишлаб чиқариш, бижғитишни бошқариш ва хомашёга электрофизик ишлов бериш бўйича тавсиялар берган.

Ҳозирги кунда шароб маҳсулотлари сифатини ошириш, биологик материалларга механик, иссиқлик, электромагнит ишлов бериш, ишлаб чиқариш жараёнларига ресурстежамкор ва энергиятежамкор технологияларни татбиқ этиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан экспортбоп шароб ва шаробматериаллар ишлаб чиқариш жараёнларини тубдан такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда, уни ҳал этиш эса алкоголли маҳсулотлар экспортини кенгайтиришда юзага келадиган қатор муаммоли масалалар ечимини беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация

тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети ва боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг КХА-8-060-2015 «Узумнинг навлараро чатиштириб олинган дурагайларининг агробиологик ва кимёвий хусусиятларини ўрганиш асосида истиқболли шароббоп навларни танлаш ва шаробчилик технологияларини такомиллаштириш» (2015-2017 й.й.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади узумнинг янги шароббоп техник нав намуналарини танлаш ва улар асосида бирламчи шаробматериал ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

узумнинг янги техник нав намуналари ғужумининг механик ва кимёвий таркибини ўрганиш ва мақбул хомашё танлаш;

узум таркибидаги органик кислоталар ва биологик фаол моддалар миқдорини аниқлаш;

шаробматериал хомашёсига электроимпульс ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш;

хомашёга электрофизик ишлов беришнинг шаробматериал чиқиши ва сифатига таъсирини ўрганиш;

танлаб олинган янги техник узум хомашёси асосида ёрқин тусли пушти хўраки шароб олиш технологик жараёнини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти узумнинг районлаштирилган техник навлари: Саперави ва Баян Ширей, янги нав-намуналар: Намуна 12-8-26/30 (Гавхар), Намуна 12-3-24/28 (Истиқлол), Намуна 12-3-21/22, Намуна 12-3-11, Намуна 12-4-15/18, Намуна 12-5-1/5, Намуна 12-5-16/20, Намуна 12-9-21/25, Намуна 12-7-31/34, Намуна 12-5-31/34, Намуна 12-3-1, Намуна 12-5-26/30, Намуна 12-11-34, Намуна 12-11-11/15, Намуна 12-8-16/20 ва хомашёга электроимпульсли ишлов бериш технологик жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети узум ғужумининг механик ва биокимёвий таркиби, бирламчи шароб тайёрлаш усуллари, шаробматериалларни купажлаш тизимлари ва нисбатлари, шаробматериалларнинг кимёвий таркиби ва органолептик кўрсаткичлари, шунингдек шароб хомашёсига электроимпульсли ишлов бериш жараёнининг режим ва параметрлари ҳамда шаробматериалнинг шикастланиш даражаси ва унга таъсир этувчи омиллар орасидаги функционал боғлиқлик ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тажрибалар амалдаги давлат стандартлари асосида ва физик-кимёвий усуларни қўллаб, шу билан бирга узумбоши ва ғужумининг механик таркиби ва хусусиятлари Н.Н.Простосердов, фенол бирикмаларнинг умумий миқдори Г.Г.Валуйко, антоцианлар Ю.В.Пивоваров, флавоноллар ва флавон-3-оллар миқдори юқори самарали суюқлик хроматографияси, фенол бирикмалар антиоксидант фаоллиги Л.А.Оганесянц тавсия этган услубларда аниқланган. Шаробматериалнинг органолептик баҳоси дегустация услубида 10 балли тизимда аниқланган. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан амалга оширилган. Электр ишлов беришда электр импульсли разряд параметрлари

экспериментал тадқиқотлар ва математик статистик ишлов бериш усулида аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда узумнинг янги техник нав намуналари ғужумининг механик ва кимёвий таркиби аниқланган;

узумнинг янги техник нав намуналари ғужуми ва пўстидаги органик кислоталар ва биологик фаол моддаларнинг сифат таркиби аниқланган;

хомашёга шаробматериал сифатини яхшилаш ва оқим шарбати чиқишини кўпайтириш имконини берувчи электрофизик ишлов бериш усули ишлаб чиқилган;

импульс ишлов бериш жараёни параметрлари ва шароббоп хомашёнинг шикастланиш даражаси ва уни юзага келтирувчи омиллар орасидаги функционал боғлиқликни график ва аналитик ифодаси асосланган;

узумнинг маҳаллий техник навлари асосида янги ёрқин пушти шароб тури олиш технологик жараёни такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

узумнинг янги техник нав намуналари коллекцияси ўрганилиб, фермер хўжаликларида етиштириш учун юқори сифатли шароб олиш имконини берувчи истиқболли нав-намуналар яратилган;

шаробматериал таркибида биологик фаол моддалар миқдорини максимал сақлаб қолиш имконини ва оқим шарбати чиқишини кўпайтирувчи электро-импульсли ишлов бериш технологияси ва унинг параметрлари ишлаб чиқилди;

янги технологияни қўллаш хар бир тонна хомашёдан 28-31 л қўшимча оқим шарбати олиш имконини берган;

ишлаб чиқаришга биокимёвий таркиби яхшиланган шароб маркаси олиш имконини берувчи узумнинг янги техник нав намуналари иштирокидаги самарали технологик жараёни такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лаборатория ва ишлаб чиқариш тажрибаларининг ҳар йили апробация кўригидан ўтказилганлиги; илмий тадқиқот ҳисоботларининг муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотларининг статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижалари республика ва чет элда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда, инновацион ярмаркаларда муҳокама қилинганлиги, тегишли сертификат ва дипломлар олинганлиги, ОАК рўйхатига кирган илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шароб ишлаб чиқариш учун узумнинг янги техник нав-намуналарини танланганлиги, узум ғужумининг механик ва кимёвий таркиби, органик кислоталар ва фаол биологик моддаларнинг сифат таркиби ўрганилганлиги, хомашёдан оқим шарбати чиқишини ошириш ва чиқинди миқдорини камайтириш имконини берувчи янги технология – электрофизик ишлов бериш технологияси, унинг режими ва параметрлари

аниқланганлиги ҳамда шаробматериалнинг шикастланиш даражаси ва унга таъсир этувчи омиллар орасидаги функционал боғликлик асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республика тупроқ-иқлимига мос узумнинг янги маҳаллий техник нав-намуналари танланганлиги, ушбу намуналар ғужумининг кимёвий таркиби миқдор ва сифат жиҳатдан чуқур таҳлил қилинганлиги, хомашёга шаробматериал сифатини яхшилаш ва оқим шарбати чиқишини кўпайтириш ҳамда пресслаш қурилмасининг энергия тежамкорлилигини ошириш имконини берувчи электр импульс ишлов бериш техник ечимини яратилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Узумнинг маҳаллий янги техник нав намуналарига асосланган бирламчи шаробматериал ишлаб чиқариш технологияси самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

яратилган янги узумнинг техник «Гавҳар» ва «Истиқлол» навлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида етиштириш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига истиқболли техник нав сифатида киритилган («Ўзшаробсаноат» АЖнинг 2018 йил 5 сентябрдаги ТУ-02-09-1/2707-сон маълумотномаси). Натижада ушбу навлар сифатли шароб олиш имконини берган;

мезгага электроимпульс таъсир кўрсатиш усули ОАЖ «MEHNAT AGROFIRMASI» бирламчи шаробчилик пунктида амалиётга жорий этилган («Ўзшаробсаноат» АЖнинг 2018 йил 5 сентябрдаги ТУ-02-09-1/2707-сон маълумотномаси). Натижада 1 тонна ишлов берилган мезгадан хомашё навларига боғлиқ равишда 3% қўшимча оқим шарбат олиш имконини берган;

узумнинг янги техник навидан фойдаланилган ҳолда шароб ишлаб чиқариш технологияси ОАЖ «MEHNAT AGROFIRMASI»да амалиётга жорий этилган («Ўзшаробсаноат» АЖнинг 2018 йил 5 сентябрдаги ТУ-02-09-1/2707-сон маълумотномаси). Натижада биологик фаол моддаларга бой янги «COMPLIMENT» шаробини ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуман, шу жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган. Олий аттестация комиссиясини диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг амалиётга жорий этилиши баён қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Шаробчилик технологиясининг илмий-амалий асослари ва ривожланиш истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси доирасида хорижий ва республикамизда нашр этилган адабий маълумотлар шарҳланган. Жумладан, шаробчиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, тарихи ва ривожланиш истиқболлари, узумнинг техник навлари ғужумининг биокимёвий таркиби, технологик хусусиятлари ва уларнинг шароб сифатини шаклланишидаги роли, шунингдек шаробчиликда энергия ва ресурстежамкор, инновацион технологияларнинг қўлланилишига доир маълумотлар шарҳланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотни ўтказиш шароити, объекти, дастури ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган жойнинг иқлим шароитлари, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда алоҳида тажрибаларни ўтказиш услуби тавсифланган. «Тадқиқот объектлари ва услублари» бўлимида янги истиқболли шароб нав-намуналарини танлаш ва маҳаллий узум навлари асосида бирламчи шаробчилик технологиясини такомиллаштириш юзасидан тажрибалар олиб бориш услуби, тажриба маълумотларига математик статистик ишлов бериш тартиби, маҳаллий шароб нав-намуналари асосида бирламчи шаробматериал ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш каби мезонлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Узумнинг янги техник нав-намуналарини танлаш**» деб номланган учинчи бобида маҳаллий узум навлари асосида бирламчи шаробчилик технологияси самарадорлигини ошириш имконини берувчи янги истиқболли селекцион техник узум навларини узумбоши ва ғужумининг мехник таркиби ва хусусиятларини ўрганиш ва улар орасидан шаробчилик учун истиқболли бўлган шаклларини танлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Хусусан, ушбу бобнинг «Узумнинг янги техник нав-намуналари узумбоши ва ғужумининг механик таркиби таҳлили» деб номланган бўлимида академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг Қибрай “Шароб” экспериментал корхонаси тажриба майдонида яратилган 15 та янги узум нав-намуналарининг увологик тавсифи чуқур ўрганилди Тажрибада ушбу нав-намуналарини узумбоши ва ғужумининг механик ва биокимёвий таркиби қиёсий ўрганилди ҳамда улардан шароб материал учун

хомашё – шарбат чиқиш миқдори тажрибада аниқланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, узум ғужумига нисбатан энг кўп шарбат чиқиши – 79,4% Карм ренни х Котайка нав намунасида қайд этилди. Ушбу кўрсаткичнинг энг кичик ифодаси – 63,5 ва 62,6 мос ҳолда Катта Қўрғон х Италия ва Эчкиэмар х Кишмиш розовый нав намуналарида кузатилди. Ғужумдан чиқадиган шарбат миқдори бўйича қолган нав намуналарида оралиқ кўрсаткич қайд этилди ва уларнинг барчаси ғужумидан шарбат чиқиши бўйича назорат – Баян Ширей навида қайд этилган кўрсаткичга (73,7%) яқин ифодага эга бўлди.

Ғужум этидан шарбат чиқиш миқдорига боғлиқ равишда, ўрганилган нав намуналарида ғужум этининг қаттиқ қисмлари миқдори тескари пропорционал кўрсаткичларга эга бўлди. Бинобарин, шарбат чиқиши энг юқори бўлган Карм ренни х Котайка нав намунасида ғужум этининг қаттиқ қисмлари миқдори энг кичик кўрсаткичда – 12,4% бўлган бўлса, ушбу кўрсаткичнинг энг юқори ифодаси ғужум этидан шарбат кам чиққан Катта Қўрғон х Италия ва Эчкиэмар х Кишмиш розовый нав намуналарида кузатилди. Ушбу нав намуналарида этининг қаттиқ қисми миқдори мос ҳолда 30,1% ва 32,5% атрофида ўзгарди.

Узумбошининг умумий вазнига нисбатан бандининг энг кам чиқиши 1,3% ва 1,7% Эчкиэмар х Карабурну ва Эчкиэмар х Победа нав намуналарида кузатилган бўлса, ушбу кўрсаткичнинг энг юқори ифодаси – 4,3% Чауш черный х Кишмиш розовый нав намунасида қайд этилди. Узумбошининг умумий вазнига нисбатан уруғ чиқиши ўрганилган барча нав намуналарида бандига яқин кўрсаткичларда бўлди ва ушбу кўрсаткич навлар кесимида 1,3% дан 4,0% гача чегарада ўзгарди (1-жадвал).

Ўрганилган нав намуналарининг механик хоссаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ғужумининг бандидан узилишга ва эзилишга қаршилиги бўйича энг юқори кўрсаткичлар Эчкиэмар х Кишмиш розовый ва Каттақўрғон х Италия нав намуналарида қайд этилди, уларда ғужумларининг эзилувчанлиги мос ҳолда 1928 ва 1879 г. ни, бандидан узилувчанлик кўрсаткичи эса 292 ва 285 г. ни ташкил этди. Узум ғужумининг эзилувчанлиги ва бандидан узилувчанлиги бўйича энг кичик кўрсаткичлар эса Карм ренни х Котайка (Истиқлол) нав намунасида қайд этилди – 1015 ва 101 г. Узум ғужумининг эзилувчанлиги ва бандидан узилувчанлиги қолган нав намуналарда оралиқ кўрсаткичларда бўлганлиги қайд этилди.

Ўрганилган аксарият нав намуналарида ғужумининг эзилувчанлиги ва бандидан узилувчанлиги бўйича техник навларга хос кўрсаткичлар қайд этилди. Мустасно тариқасида Эчкиэмар х Кишмиш розовый ва Каттақўрғон х Италия нав намуналарини ажратиш мумкин, уларда кузатилган юқори даражадаги кўрсаткичлар ушбу нав намуналарининг техник эмас, балки кўпроқ хўраки навга хос хусусиятларга эга эканлиги тўғрисида фикр юритиш имконини берди.

1-жадвал

Узумнинг янги техник нав-намуналари узумбошларининг механик таркиби

Т/р	Ота-онасининг номи	Узумбоши оғирлигининг таркиби, %			
		банди	пўсти ва этининг қаттиқ қисми	шарбат	уруғи
1	Намуна № 12-3-11 (Чауш черный х Мускат Узбекистанский)	3,1	18,5	74,8	4,6
2	Намуна 12-4-15/18 (Чауш черный х Приграндис)	2,6	17,7	75,3	4,4
3	Намуна 12-5-1/5 (Мадлен анжевин х Андижанский черный)	2,5	19,7	73,1	4,7
4	Намуна 12-5-16/20 (Катта қурғон х Италия)	2,4	30,1	63,5	4,0
5	Намуна 12-8-26/30 – Гавхар (Катта қўрғон х Аскери)	3,4	17,4	76,9	2,3
6	Намуна 12-9-21/25 (Мадлен анжевин х Приграндис)	2,0	20,3	72,4	5,3
7	Намуна 12-7-31/34 (Эчкиэмар х Карабурну)	1,3	17,9	74,6	6,2
8	Намуна 12-5-31/34 (Эчкиэмар х Цеклопик)	3,8	15,6	75,2	5,4
9	Намуна № 12-3-21/22 (Чауш черный х Бозори)	3,4	19,1	71,3	6,2
10	Намуна 12-3-1 (Чауш черный х Кишмиш розовый)	4,3	16,6	75,1	4,0
11	Намуна 12-5-26/30 (Катта қурғон х Тарнау)	2,7	18,3	73,5	5,5
12	Намуна 12-11-34 (Эчкиэмар х Победа)	1,7	15,4	78,9	4,0
13	Намуна 12-11-11/15 (Қизил хурмои х Победа)	2,3	20,6	72,2	4,9
14	Намуна 12-8-16/20 (Эчкиэмар х Кимиш розовый	2,5	32,5	62,6	2,4
15	Намуна № 12-3-24/28 – Истиқлол (Карм ренни х Котайка)	3,3	12,4	79,4	4,9
16	Баян Ширей (назорат)	2,3	17,8	73,7	6,2
	$ЭКФ_{05}$	4,0	16,0	17,2	2,7

Диссертациянинг «Узумнинг янги техник нав-намуналари шарбатининг биокимёвий таркиби таҳлили» деб номланган бўлимида аввалги тажриба ўрганилган нав намуналардан ажратиб олинган шарбатнинг биокимёвий таркиби таҳлил қилинди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўрганилган узум намуналари ғужумлари таркибидаги эрувчан қаттиқ моддалар 14,0 дан 21,4 °Вх гача ораликда ўзгарди. Эрувчан қаттиқ моддаларнинг энг кам миқдори – 14,0 °Вх назорат Баян ширей навида қайд этилди. Таъкидлаш жоизки, ғужуми қизил рангда бўлган барча нав намуналар таркибида эрувчан қаттиқ моддаларнинг юқорилиги билан ажралиб турди.

Бунда ушбу кўрсаткичнинг энг юқори қиймати Намуна 12-3-24/28 ғужумларида қайд этилди (21,4 °Вх). Қолган барча нав намуналарда ушбу кўрсатич 15,1-20 °Вх оралиғида бўлганлиги кузатилди.

Таъкидлаш жоизки, умумий қанд миқдорининг мўллиги спиртли бижғишнинг жадал кечиши ва шаробнинг ширин таъмини белгилайди. Бироқ кислоталилик ҳам шароб тайёрлашда муҳим рол ўйнайди. У ширин таъмга уйғунлашади ва ўзига хос ширин-нордон таъм бағишлайди. Қуйидаги 1-расмда ўрганилган узум нав-намуналарининг титрланадиган кислоталилиги ва қанддорлиги нисбати акс эттирилган.



1-расм. Узумнинг коллекцион техник нав намуналари ғужуми шарбати қанддорлиги ва кислоталилигининг ўзаро нисбати, 2015-2017 й.й.

Кўриниб турибдики, ушбу шароббоп узум навлари намуналарини техник етилган заҳоти (уларда кислоталилик бирмунча юқори бўлган пайтда) кечиктирмасдан узиш тавсия этилади.

Узум намуналари ғужуми таркибидаги биологик фаол бирикмаларни LC/MS услубида таҳлил қилиш қуйидаги бирикмаларни аниқлаш имконини берди: антоцианлар, флавонлар, флаван-3-оллар, фенол кислоталари ва стильбен.

Диссертациянинг **«Узумнинг маҳаллий янги техник нав-намуналари асосида бирламчи шаробчилик технологиясини такомиллаштириш»** деб номланган тўртинчи бобида узумнинг янги техник нав-намуналари иштирокида бирламчи шаробчилик технологияси самарадорлигини ошириш юзасидан амалга оширилган тадқиқот натижаларининг шарҳи келтирилган. Хусусан ушбу бобнинг «Электрофизик таъсирларнинг узум шарбати чиқиши ва сифатига таъсири ва уни узумнинг маҳаллий, янги техник шароббоп нав-намуналаридан шаробматериал ишлаб чиқариш технологиясида фойдаланиш» деб номланган бўлимида хомашёга электр импульсли разряд билан ишлов берилганда хомашёдан бирламчи

материал чиқиши ва сифатининг ўзгариши тадқиқ қилинган. Тадқиқот материалларига математик-статистик усулда ишлов берилди ва натижалар график боғлиқлик кўринишида тасвирланди (2-расм).



1



2



2-расм “Истиқлол” навли узум меваси шикастланиш даражасини электр импульсли разряд кучланиши (1), разрядлар сони (2) ва конденсатор сиғими (3) билан боғлиқлик графиклари

Жараённи тадқиқ этишда электр импульс технологияларга оид тадқиқотларда фойдаланиб келинаётган биологик объектларга электр импульс таъсирини ифодаловчи асосий омиллар этиб разряд ҳосил қилувчи кучланиш (U), конденсатор сиғими (C) ва импульслар сони (n) қабул қилинди. Электр импульсли ишлов беришнинг самарадорлигини баҳолаш ва ишлов берилаётган маҳсулот холатини ифодалаш учун шикастланиш даражаси (S) тадқиқ қилинди. Юқоридаги омилларни маҳсулотни шикастланишига таъсирни махсус тайёрланган лаборатория қурилмасида классик усулдан фойдаланиб ўрганилди, яъни омиллардан бири ўзгартирилди, қолган иккита омил фиксацияланган холатда сақланди ва уларнинг энг мақбул қиймат нуқталари топилди.

Ушбу параметрлар асосида электроимпульс ишлов бериш мақбул қиймати топилгач, бундай ишлов берувчи қурилманинг саноат тажриба намунаси қизил шароб ишлаб чиқариш тизимига мезгани стекателга йўналтирувчи қувурлар ўртасига жойлаштирилиши қуйидаги 3-расмда келтирилган.



4.17-расм. Электрофизик таъсир эттириш йўли билан қизил шароб ишлаб чиқариш технологик схемаси: 1 – хом ашё келтирувчи автомашина; 2 – бункер-транспортёр; 3 – майдалагич; 4 – хом ашёга электрофизик ишлов берувчи ускуна, 5, 9 – насослар; 6 – ферментатор; 7 – стекатель; 8 – пресс; 10 - сульфитодозатор; 11 – суслони тиндириш чанлари; 12, 15, 22 – фильтрлар; 13 – иссиқлик алмашинувчи (совутгич); 14 – паст ҳароратда тиндириш резервуари; 16, 18, 20 – бижғитиш сиғимлари; 17, 19, 21 – фильтр-пресслар; 23 – шаробматериал сақлаш ҳажмлари

Хомашёга электрофизик таъсир кўрсатиш ўз оқимида шарбат чиқишини бир тонна хомашё ҳисобига барча нав намуналарида ишлов берилмаган мезга кўрсаткичига нисбатан 10-15% га оширди. Бунда 1-назорат Баян ширей навида ишлов берилмаган мезгага нисбатан 28 л, 2-назорат Саперави навида эса 27 л қўшимча шарбат олиш имконини берди (4-расм).



4-расм. Электрофизик таъсир натижасида мезгадан ўз оқимида шарбат чиқиши миқдорининг ўзгариши, л/т хомашё, 2015-2017 й.й.

Электрофизик таъсир натижасида шарбат чиқишининг кўпайиши бўйича энг юқори кўрсаткичлар Намуна 12-7-31/34 ва Намуна 12-8-16/20 шаклларида кузатилади, уларда назоратга нисбатан қўшимча шарбат чиқиши 30-31 л атрофида бўлди. Шарбат чиқишининг кўпайиши бўйича энг кичик кўрсаткичлар эса Намуна 12-5-16/20 ва Намуна 12-8-16/20 шаклларида кузатилди ва уларда шарбатнинг ортиш кўрсаткичи бир тонна хомашёга нисбатан 19-20 л атрофида ўзгарди. Қолган нав намуналари шарбат чиқишининг ортиши бўйича оралиқ кўрсаткичларга эга бўлди.

Диссертациянинг «Узумнинг маҳаллий янги техник нав-намуналаридан тайёрланган шаробматериаллар кимёвий таркиби таҳлили» деб номланган бўлимида узумнинг ўрганилган янги техник нав намуналари хомашёсига электрофизик ишлов беришга боғлиқ равишда шаробматериал биокимёвий таркибининг ўзгариши тадқиқ қилинган.

2-жадвал

Шароб намуналарини баҳолаш бўйича дегустация варақаси

№	Шароб намуналари	Кўрсаткичлар	Тавсифи	Намуна баҳоси
1	Намуна 12-8-26/30 (оқ)	Тиниқлиги Ранги Букети ва таъми	Тиниқ равшан Оч сарғиш ялтирайди Уйғунлашган, юмшоқ, ёқимли, монанд Шароб ёши ва хилига тўлиқ жавоб беради	7.8
2	Намуна 12-9-21/25 (оқ)	Тиниқлиги Ранги Букети ва таъми	Жуда равшан Енгил оқ-сарғишлик билан Уйғун, ёқимли, монанд, шароб ёши ва хилига тўлиқ жавоб беради	8
3	Баян Ширей (назорат)	Тиниқлиги Ранги Букети ва таъми	Равшан, тиниқ оқ-сарғишсимон Етарли уйғун эмас, оддий, Шароб ёши ва хилига тўлиқ жавоб беради,	7,5
4	Намуна № 12-3-21/22 (қизил)	Тиниқлиги Ранги Букети ва таъми	Равшан, тиниқ Тўқ ёрқин қизил, чўкмаларсиз Уйғун, юмшоқ ўзига монанд ёқимли тахирлик билан Шароб ёши ва хилига тўлиқ жавоб беради	8
5	Намуна № 12-3-24/28 (қизил)	Тиниқлиги Ранги Букети ва таъми	Равшан, тиниқ Тўқ қорамтир, Уйғун, монанд, юмшоқ ўзига хос ёқимли тахирлик билан Шароб ёши ва хилига тўлиқ жавоб беради	7,8
6	Саперави (назорат)	Тиниқлиги Ранги Букети ва таъми	Тиниқ равшан Тўқ қизил, Уйғун, юмшоқ ўзига монанд ёқимли тахирлик билан, шароб ёши ва хилига тўлиқ жавоб беради	7,8

Ушбу тажрибада аввалги тажриба таҳлилларида ўзининг юқори кўрсаткичлари билан намоён эта олган Намуна 12-8-26/30 ва Намуна 12-9-21/25 каби оқ ва Намуна № 12-3-21/22 ва Намуна № 12-3-24/28 каби қизил намуналарнинг хомашёлари микрошаробчилик усулида бижғитилди ва улардан олинган шаробматериал дегустацион баҳолашдан ўтказилди. Оқ намуналар учун Баян Ширей ва қизил намуналар учун Саперави нави назорат

сифатида олинди. Шароб намуналарини дегустацион баҳолаш 8 балли тизимда ўтказилди. Ёш виноматериаллар максимал баҳоси 8 балл, бунинг учун ҳар бир элемент охирги баҳоси: тиниқлик – 0,4; ранг – 0,4; букет – 3; таъм – 4,2 балларни ташкил этади. Шароб намуналари дегустацион баҳолаш кўрсаткичлари асосида махсус дегустацион варағи тўлдирилди (2-жадвал).

Маълумки шаробларнинг, айниқса қизил шаробларнинг органолептик сифатлари улар таркибидаги органик кислоталар ва умумий қанднинг уйғунлигига бевосита боғлиқдир.

Таъм уйғунлигининг ажойиб бўлиши шароб материал таркибида айниқса узум, олма, сут ва қахрабо кислоталарининг мавжуд бўлиши билан изоҳланади. Узум кислотаси шароб материал таркибида энг кўп учрайдиган органик кислота бўлиб, у шаробматериалга ажойиб нордонроқ таъм бағишлайди ва у нохуш микробиологик жараёнларнинг ривожланишига маълум даражада тўсқинлик қилади.

Ўтказилган тажрибаларимиз шуни кўрсатдики, ўрганилган нав намуналаридан тайёрланган шароб материаллар таркибидаги органик кислоталар асосан узум, олма, қахрабо ва сут кислотлари билан ифодаланди. Таъкидлаш жоизки, мезгага электроимпульс ишлов бериш ушбу кислоталар миқдорининг ўзгаришига бирмунча таъсир кўрсатди.

Тажриба маълумотлари шуни кўрсатдики, мезгага электроимпульс разряд билан ишлов берилиб, сўнгра бижғитилганда органик кислоталарнинг назорат (ишлов берилмаган) вариантига нисбатан умумий миқдори Намуна 12-8-26/30 – Гавхар (Катта қўрғон х Аскери) нав намунасида 0,5 г/л ва Намуна 12-3-24/28 – Истиқлол (Карм ренни х Котайка) нав намунасида 0,8 г/л га фарқланди. (3-жадвал).

3-жадвал

Мезгага электрофизик ишлов беришга боғлиқ равишда нимнордон пушти шароб таркибида органик кислоталар миқдорининг ўзгариши

Нав намуналари	Мезгага ишлов бериш	Органик кислоталар миқдори, г/л						
		узум	олма	қахрабо	лимон	сирка	сут	жами
Намуна 12-8-26/30 (Гавхар)	Электро-импульс	2,5	1,6	0,2	0,8	0,6	0,6	6,3
	Назорат ишлов берилмаган	2,3	1,3	0,1	0,7	0,6	0,8	5,8
Намуна 12-3-24/28 (Истиқлол)	Электро-импульс	2,5	1,8	0,1	0,8	0,8	0,7	6,7
	Назорат ишлов берилмаган	2,3	1,2	0,2	0,8	0,5	0,9	5,9

Антоцианлар миқдорининг ҳам ортиши ўрганилган шароб намуналарида мезгага электроимпульс разряди билан ишлов берилганда қайд этилди. Бунда ушбу модда миқдори 12-8-16/20 нав намунасида 266,6 дан 435,5 мг/л гача, 12-3-24/28 (Истиқлол) нав намунасида 269,9 дан 440,0 мг/л гача ортганлиги қайд этилди.

Маълумки, трансресвератрол ҳамда витаминлар каби биологик фаол моддалар шаробнинг сифатини белгиловчи муҳим моддалар ҳисобланади. Ушбу биологик фаол моддалар инсон саломатлигида муҳим ўрин тутади. Хорижий давлатларда таркибида трансресвератрол мавжуд бўлган шароб намуналари юқори баҳоланади.

Тажрибада ўрганилган шароб материаллари таркибида биологик фаол моддалар ва стильбен (трансресвератрол) миқдорини ўрганиш шуни кўрсатдики, Намуна 12-3-24/28 (Истиқлол) нав намунасида ушбу биологик фаол моддалар электрофизик ишлов берилганда юқори даражада сақланиб қолишини кўрсатди (4-жадвал).

4-жадвал

Мезгага ишлов бериб бижғитишга боғлиқ равишда шаробматериал таркибида биологик фаол моддалар миқдорининг ўзгариши, мг/л

Биологик фаол модда	Мезгага ишлов бериш	Нав намуналар	
		Намуна 12-3-21/22	Намуна 12-3-24/28 – Истиқлол
Трансресвератрол	Электро-импульс	0,95	0,98
	Назорат – ишлов берилмаган	0,71	0,78
Мальвидин-3,5-дигликозид	Электро-импульс	6,42	6,67
	Назорат – ишлов берилмаган	4,85	4,98
Витаминлар			
Аскорбин кислотаси	Электро-импульс	3,12	3,28
	Назорат – ишлов берилмаган	2,50	2,61
Никотин кислотаси	Электро-импульс	1,31	1,32
	Назорат – ишлов берилмаган	0,75	0,78
Оротат кислотаси	Электро-импульс	31,30	39,98
	Назорат – ишлов берилмаган	20,87	28,12

Диссертациянинг «Биологик фаол моддаларга бой янги пушти шароб турини олиш учун технологик йўриқнома ишлаб чиқиш» деб номланган бўлимида узумнинг ўрганилган нав намуналари иштирокида биологик фаол моддаларга бой янги шароб намуналарини олиш имконияти ўрганилган. Ушбу тажрибада асосий манба сифатида Намуна 12-8-26/30 (Гавхар) шаклидан фойдаланилди. Ранг берувчи купажлаш материали сифатида Намуна 12-8-16/20 ва Намуна 12-3-24/28 (Истиқлол) шаклларидан фойдаланилди. Шаробматериалларни купажлаш нав намуналари бўйича 50:50, 60:40, 70:30 ва 80:20 нисбатида амалга оширилди. Тажрибада турли нисбатда купажланган шароб намуналарининг дегустация баҳоси 10 балли

шкала бўйича амалга оширилди

Турли нисбатларда купажланган шароб намуналарининг кимёвий кўрсаткичлари ва органолептик баҳолаш таҳлиллари шуни кўрсатдики, шароб намуналарининг дегустация баҳоси иккала нав намунасида ҳам 70:30 нисбатда купажланган вариантда қайд этилди. Ушбу купажлаш схемасида иккала нав намунасида ҳам ажойиб пушти рангли шароб олиш имкони юзага келди. Айниқса Намуна 12-3-24/28 – Истиқлол шакли иштирок этган шароб намунаси ўзининг ёрқин пушти ранги билан ажралиб турганлиги қайд этилди.

Ушбу нав намуна иштирокидаги шароб намунасини ишлаб чиқариш бўйича технологик йўриқнома ишлаб чиқилди ва у «MEHNAT AGROFIRMASI» MChJ корхонасида татбиқ этилди. Технологик йўриқномага биноан асосий таянч сифатида Намуна 12-8-26/30 – Гавхар шаклидан фойдаланилди (70%). Ранг берувчи купажлаш материали сифатида купажлаш жараёнида Намуна 12-3-24/28 – Истиқлол шакли 30% миқдорида қўшилди. Ушбу шароб материал намунасига бизнинг ташаббусимиз ва «MEHNAT AGROFIRMASI» MChJ корхонаси раҳбариятининг розилиги асосида «COMPLIMENT» номи берилди ва ушбу корхонада серияли ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Диссертациянинг «Узумнинг маҳаллий янги техник нав-намуналари асосида бирламчи шаробматериал олишнинг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган бўлимида Узумнинг маҳаллий Намуна 12-8-26/30 – Гавхар (70%) ва Намуна 12-3-24/28 – Истиқлол (30%) навларидан тайёрланган «COMPLIMENT» шаробини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ушбу купажлаш схемасида шароб олишнинг иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигини кўрсатди. Узумнинг маҳаллий Намуна 12-8-26/30 – Гавхар (70%) ва Намуна 12-3-24/28 – Истиқлол (30%) навлари асосида шароб ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан самарадорликка эга бўлиб, корхонанинг ишлаб чиқариш рентабеллигини 15,5% га етказиш имконини берди.

ХУЛОСАЛАР

1. Узумбоши умумий вазнига нисбатан энг кўп шарбат чиқиши – 79,4% ўрганилган нав намуналаридан Карм ренни х Котайка навида аниқланган. Ушбу кўрсаткичнинг энг кичик миқдори – 63,5 ва 62,6 мос ҳолда Катта Қўрғон х Италия ва Эчкиэмар х Кишмиш розовый нав намуналарида аниқланган.

2. Узум ғужумининг бандидан узилишга ва эзилишга қаршилиги бўйича энг юқори кўрсаткичлар Эчкиэмар х Кишмиш розовый ва Каттақўрғон х Италия нав намуналарида қайд этилди, уларда ғужумларининг эзилувчанлиги мос ҳолда 1928 ва 1879 г. ни, бандидан узилувчанлик кўрсаткичи эса 292 ва 285 г. ни ташкил этиши аниқланган. Узум ғужумининг эзилувчанлиги ва бандидан узилувчанлиги бўйича энг кичик кўрсаткичлар эса Карм ренни х Котайка (Истиқлол) нав намунасида қайд этилди – 1015 ва

101 г.

3. Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтида яратилган янги 15 та техник узум дурагайлари ғужуми таркибида умумий қанд миқдори, кислоталиликнинг қулай уйғунлиги, шунингдек фенол бирикмалар ва антиоксидант фаолликнинг юқори кўрсаткичлари бўйича оқ узумлардан Намуна 12-9-21/25, қизил узумлардан Намуна 12-3-24/28, Намуна 12-3-21/22, Намуна 12-3-11 каби шаклларни шаробчилик саноати учун тавсия этилди.

4. Узум ғужумининг тўқималарида хужайраларини максимал шикастлантиришга эришиш учун электроимпульс ишлов бериш қуйидаги параметрларда олиб борилиши аниқланган: кучланиш U=3-4 кВ, конденсатор сиғими С=0,3-0,4 мкФ, импульсли разрядлар сони n=10-12имп.

5. Мезгага электроимпульс разряд билан таъсир кўрсатиш ўз оқимида шарбат чиқишини бир тонна хомашё ҳисобига ишлов берилмаган мезга кўрсаткичига нисбатан оширади. Бунда 1 тонна ишлов берилмаган мезгага нисбатан навларга боғлиқ равишда 28-31 л қўшимча шарбат олиш имконини беради.

6. Узумнинг маҳаллий Намуна 12-8-26/30 – Гавхар (70%) ва Намуна 12-3-24/28 – Истиқлол (30%) навлари иштирокида юқори сифатли шароб материали олиш мумкин, бунда ушбу нав намуналари бирламчи шаробматериалини 70:30 нисбатида купажлаш тавсия этилади.

7. Узумнинг маҳаллий Намуна 12-8-26/30 – Гавхар (70%) ва Намуна 12-3-24/28 – Истиқлол (30%) навлари асосида шароб ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан самарадорликка эга бўлиб, корхонанинг ишлаб чиқариш рентабеллигини 15,5% га етказиш имконини берди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.T.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

НАРКАБУЛОВА НАРГИЗА ЧОРШАММИЕВНА

ПОДБОР НОВЫХ ТЕХНИЧЕСКИХ СОРТООБРАЗЦОВ ВИНОГРАДА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПЕРВИЧНОГО ВИНОДЕЛИЯ

02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки сельскохозяйственных и пищевых продуктов

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером № B2017.3.PhD/T344.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский,английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу ik-kimyo.nuu.uz информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:	**РаджабовАбдурахмон,** доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Курбанов Жамшед Маджидович** доктор технических наук, профессор
	Мирзарахметова Дилбар Тохтамурадовна, доктор технических наук, доцент
Ведущая организация:	**ОА «Узшаробсаноат»**

Защита диссертации состоится «___»_____2018г. в ___ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: (100011, г Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21; факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за №_____, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100011. г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул.А.Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «___» _____2018 года.
(протокол рассылки №___от «_____» _____ 2018 г).

С.М.Туробжонов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

А.С.Ибодуллаев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

К.О.Додаев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется увеличению объема производства, в том числе в экспортно-ориентированном ассортименте виноматериалов. За последние годы в ведущих по валовому производству вина странах, как Италия, Франция, Испания и США, красные вина составляют основную часть экспорта винопродуктов.

На сегодняшний день в ведущих по производству и экспорту зарубежных странах проводятся научные исследования по выведению новых технических сортов, позволяющих изготовлять вина высшего качества, а также анализу содержания биологически активных веществ в виноматериалах и получению богатых, с высоким содержанием биологически активных веществ и экологически чистых вин. В результате этих работ получены многие технические сорта винограда, такие как Каберне Савиньон, Мерло, Карменер, Санджовозе, Мурведер, Изабелла, Пино Нуар, учитывающие почвенно-климатические условиям среды, и качество основного местного сырья при производстве высококачественных красных вин. В вышеуказанных странах дальнейшее обогащение сортимента технических сортов, выведение устойчивых к филлоксере сортов и разработка новых технологических инструкций по производству новых винявляются актуальными задачами.

